



Тошкент тепловоз депосининг машинаслари В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олюкдалар. Улар тепловозларнинг узок муддат хизмат қилиши, вақтдан унумли фойдаланиш ҳамда кўлаб ёниги тежаб қилиш учун курашмоқдалар.

Сиз суратда тепловоз депосининг оғир юкли составларини бошқарувчи илғор машинистларидан бири Пётр Напалани кўриб турибсиз. М. Нуриддиқов фотолари.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

5.йил чиқиши 14 МАРТ 1970Й. ШАНБА № 62 (1130). БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЮБИЛЕЙ ТЕПОВОЗИ

Октябрь революцияси номидagi Тошкент тепловоз-вагон ремонт заводининг цехларида В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа кун сайин авж оляпти.

Завод комсомоллари юбилей тепловози тайёрлашмоқда. Тепловоз цехининг таркатувчилар участкаси комсомоллари ва Ҳалим Қосимов бошлиқ Коммунистик меҳнат бригадаси ёшлари юбилей тепловози тайёрлаш тошпирини муваффақиятли бажаришди.

Темпирчилик цехида болт шайбаси тайёрловчи Мария Масликова смена тошпирини 140—150 процент бажармоқда. У юбилей шарафига пландан тапқари ўттиз мингта болт шайбаси тайёрлаш мажбуриятини олади.

М. Масликова ташаббусига қўйилган гилдирак цехининг пардозловчиси Мажид Ғуломов ҳам иш суръатини ошириб, кунлик тошпирини 130—140 процентдан бажаратир. У юбилей шарафига оширилган мажбурият олиб, планга қўшимча эликта гилдиракни пардозлаш чияришига аҳд қилди.

2-механика цехининг тоқари В. Дунаев ўз стагнои бўйича кунлик нормасини 180 процент бажариб, ҳамкасбларига ҳам ёрдам бермоқда.

ҚУРИЛИШ МАЙДОНЛАРИДА

150—200 процентдан

Тўртинчи трестнинг 6-қурилиш бошқармасида Пётр Петрович Бемнинг номи тез-тез тилга олинади. У бошқармадан комплекс коммунистик меҳнат бригадаси кундалик нормани орттиги билан бажармаган бирор кун йўқ.

Қурилиш нормаларига, кунлиқ-монтаж ишлари қондасига амал қилиш бу ҳужжатлари билан танишди. Ҳаёт ўртолларини иш ҳажми билан таништиради. Мақсад ва тошпирин аниқ бўлган, қурувчилар зарбдорларча ишлашди.

Ҳозир аҳил коллектив шахримизнинг Шимолшарқ қисмида — янги трамвай-троллейбус парк қурилишида меҳнат қилмоқда. Юбилейни муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақада қурувчилар кундалик нормани 150—200 процентга етказиб бажармоқдалар.

Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг ўз йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақага қўйилган қурувчилар графини ортиги билан бажармоқдалар. Шу йилнинг учинчи кварталда улар қўрган янги уйларида ҳовли тўйлари бўлиб ўтди.

да Фурова, Климов, Халилов, Галимуллин каби мутахассислар намунали ишлашмоқда. Уларнинг ҳар бири инки-уч хил касбини ўзлаштиришди.

Вақтдан ўзиб

Уссин Қуллев бошлиқ ҳўжалик ҳисоб комплекс бригадасига Коммунистик меҳнат коллективи номи берилган. Бригада 159-трестнинг 9-қурилиш бошқармасида қурилиш ишлари сифатини яхшилаб, кундалик нормани 120 процентга етказиб бажармоқда.

да пешчадам коллектив И-1-А кварталда иккинчи турда қурилиш билиб қурмоқда. Ҳар бири 1.395 квадрат метрни бу объект қурилишида иш суръатини яхши. Коллектив пардозлашда москвалик қурувчилар тажрибасини оқилона қўлламоқда. Кўп миллатли коллектив-

Ташаббус қанот ёяпти

РУМИЯ ИЗДОШЛАРИ

Румия Акмукова номи Фақат тўқимачилик комбинатининг биринчи тўқув фабрикасидагина эмас, балки бутун мамлакатга маълум. У планларини ошириб бажариш билан бирга, маҳсулотнинг ҳаммасини биринчи сирта топшириш ташаббусини бошлаб берди. Донгдор тўқувчининг бу ажойиб ташаббусини чеварлар қўлаб-қувватламоқдалар.



2-пайофзал фабрикасида ёз мавсумига хотин-қизлар учун янги моделда бир неча хил пайофзал тайёрламоқда. Суратда: хотин-қизлар пайофзалини ишлаб чиқарувчи 4-цехнинг илғор ишчиси Мария Абдурахмонова тайёр пайофзалларни кўтичаларга жойламоқда.

Илғорлар рапорти

1-троллейбус депоси коллективи юбилей олдидан меҳнат вахтасида туриб ишлаб кувончли ютуқларни қўлга киритмоқда. Депонинг 1, 3, 4, 5, 10-маршрут троллейбусчилари шаҳар аҳолисига яхши маданий хизмат кўрсатаётлар.

Янгиликлар адреси: ПАХТА ФАБРИКАСИ

Республика маҳаллий саноат министрлигига қаровал лойиҳа бюросида янги саноат корхоналари чизмалари яратилмоқда. Улардан бири Юқори Чирчиқ районидаги Янгибозор пахта тайёрлаш фабрикаси.

ОЛИЙ ТЕХНИКА КУРСИ

Республикамаиздаги саноат корхоналарининг ихтирочилиги билан шуғулланувчи инженирларни таълимга тўпловчи олий техника курсининг республика филиалида навбатдаги маҳсулотни бошлади.

ШАҲРИМИЗ ОЗОДА, КЎРКАМ БЎЛАДИ

АҲОЛИ КЎМАГИДА

18-уй-жайдон фойдаланиш идорасида ҳам ишлар кўнглидек эмас. Бу ерда уйлەر фасадининг ўндан бир қисми ҳам ремонтдан чиқмаган. Уч юз метр эриқдан фақатгина эллик метри ремонт қилинган. Ун иккита болалар майдончасидан биттасинга фойдаланиш мумкин бўлган ҳолга келтирилган. Бор-йўғи йигирма туп дарҳат экилган.

ОЙЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

Шаҳримизда кўчат ўтқазин ойлиги қизгин давом этапти. Утган декада маълумотларига қараганда, Ҳамза, Қуйбишев, Киров, Сергелни районлари меҳнаткашлари яхши натижаларга эришганлар. Улар баҳорги кўчат ўтқазини мавсуми учун планлаштирилган ниҳолларнинг ярмидан кўпрогини оқиб қўйишди.

ҚОРАҚАМИШДА ИСТИРОХАТ БОҒИ

Меҳнаткашлар депутатлари Октябрь район Совети иккитта қўмитети районда янги меҳнат ва истироҳат боғи ташкил қилишга қарор қилди. Ун олти гектарлик бу янги боғ «Қорақамиш» — 1-микрорайони территориясида барпо этилади.



Еқуб Топхўжаев шаҳардаги 11-мактабда ўттиз йилдан бери ўқитувчилик қилади. У шу йиллар давомида мактабни ободлаштириш ишларига катта ҳисса қўшиб келаттир.

ЯХШИ ТАШАББУС

Коммунистик шанбаликлар ўтказиб туриш институтида одат тусига кириб қолган. Шу кунларда агрономия ва иқтисод факультетларининг студентлари яхши ташаббус бошлаб, институти территориясидаги бўш қолган жойларни, биналар ва ётоқхоналар атрофини кўкаламзорлаштириш учун оммавий ҳашар уюштирмоқдалар.

Бу яхши ташаббусни бошқа факультет студентлари ҳам қувватлаб, ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Студентлар институти боғи ва унинг атрофидаги ниҳолларни ўзлари парвариш қилдилар.



САҲЪАТ ЯНГИЛИГИ

Балет асарлари

АЛИШЕР НАВОНИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИ САҲЪАТКОРЛАРИ БИР ПАРДАЛИ СПЕКТАКЛЬ-БАЛЕТЛАРИНИ САҲНАЛАШТИРИДЛАР.

СПОРТ ИНШООТИ

Республика Давлат лойиҳалаш институтида Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқлари боп планлаштириш учун лойиҳалар, маъмурий маъини биналар билан бир қаторда спорт иншоотлари, стадион ва спорт комплекслари лойиҳалари ҳам ишланмоқда.

СОҶЧИЛАР-ҲУШЁР

12 март кунин Тошкент шаҳар маориф бўлими ходимлари ва шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимининг активистлари навбатчилик қилишди.

Янги лойиҳалар

Жамоат маркази қурилишида

Қорақамиш массивини қурилиш қўламининг катталиги жиҳатидан иккинчи Чилонзор дегизи мумкин. 1-Қорақамиш массиви Навоий шаҳридан келган 6-қурилиш-монтаж бошқармаси қурди. 11-Қорақамиш эса, «Жилострой» трести, «Ташукрестрой» ва «Ташпросстрой» қурмоқда.

Ю. АХРОРОВ, жамоатчи муҳбир.

Октябрь райони янгиликлари

Малака оширмоқдалар

Иўлдош Охунбоев номи республика медицина билим, юрти шифохоналар учун малакали медицина ходимлари тайёрлаб чиқарадиган билим масанидир. Бу ерда ҳар йили қўлаб фельдшерлар, ҳамширалар, тиш техниклари ва доришўнослар етишиб чиқади.

Обод даҳа

«Ишчилар шаҳарчаси» даҳаси кундан-кунга обод бўлиб бормоқда. Қўчаннинг ўнг томонидаги пайпоқ-трикотаж фабрикасининг янги биноси, яқинда ишга тушган маъини хизмат комбинати, савдо шохобчалари ва ошхона шаҳарча чиройини очиб қоборди. Қўни-кеча эса, аҳоли учун яна бир қўлайлик йратилди. 4-ошхона бу ерда ярим тайёр маҳсулотлар билан савдо қилувчи магазин очди.

Тунги посбонлар шаҳар кезади

6-қурилиш трестига эстафетани тошпирдилар. Бу тунги посбонлар жамоат тартибини сақлашда актив иштирок этишмоқда. Улар ўзларига бириктирилган районнинг ҳар бир ерини яхши билишди.





